



**CONSTITUTIONAL LAW.
STAGE OF FORMATION OF DRUG MOTHER CIRCULATION
CONTROL**

Pardayev Akmal Baykubulovich¹

¹ Master's degree in Public Administration Law, Tashkent State University of Law

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4898851>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021
Accepted: 25th May 2021
Online: 30th May 2021

KEY WORDS

Ensuring the rule of law, steps of control, approaches to international cooperation, improvement of control mechanisms.

ABSTRACT

The article emphasizes the importance of the rule of law in the fight against drug trafficking, the formation of a mechanized system of drug control, the ongoing reforms in the fight against drug trafficking, the fight against drug trafficking and the process of combating drug trafficking.

**КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ХУҚУҚ.
ГИЁХВАНД МОДАЛАРИ АЙЛАНМАСИ НАЗОРАТИНИНГ
ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Пардаев Акмал Байкабулович¹

¹ ТДЮУ Давлат бошқаруви ҳуқуқи мутахассислиги магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021
Ma'qullandi: 25-May 2021
Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

Қонунийликни таъминлаш, назорат босқичлари, халқаро ҳамкорлик ёндашувлари, назорат механизмларини такомиллаштириши.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада гиёҳвандликка қарши курашишда қонунийлик, гиёҳванд моддалари назоратининг механизмлашган тизимини шаклланиши, гиёҳвандликка қарши курашишда олиб борилаётган ислохотлар, гиёҳванд моддалари ноқонуний айланмасига қарши курашиш жараёнининг аҳамиятлари ва бу соҳадаги халқаро ҳамкорлигига бағишланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” ги 1999 йил 19 августда 813-І сонли қонуни қабул қилинган. [1] Бу қонунни қабул қилишда мамлакатимиз Бирлашган миллатлар ташкилотининг қуйидаги учта

конвенциялари асосида мутаносиб равишда тузилган бўлиб, булар: Гиёҳванд воситалари ҳақидаги халқаро конвенция 1961 йил. [2] Психотроп моддалар ҳақидаги халқаро конвенция 1971 йил. [3] Гиёҳванд воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний айирбошлашга



қарши кураш ҳақидаги Бирлашган миллатлар ташкилоти конвенциялари 1988 йил. [4] Ўзбекистон Республикаси бу конвенцияларга 1995 йилда қўшилган. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” ги қонун V боб 43-моддадан ташкил топган. I-боб Умумий қоидалар 1-4 моддалардан иборат. II-боб Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият 5-9¹ моддалардан иборат. III-боб Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш шартлари 10-23 моддалардан иборат. IV-боб Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш 24-32 моддалардан иборат. Гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган беморларга бериладиган наркологик ёрдам 33-43 моддалардан иборат. Асосий Ички ишлар органлари назоратни олиб борган. Ҳозирда ҳам Ички ишлар органи асосий назорат органи ҳисобланади ва қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан ишни юритади. “Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонун. Мазкур қонунда Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланган. Гиёҳвандлик воситаларининг, психотроп моддаларнинг ва улар прекурсорларининг муомалада бўлиши соҳасида назорат қилиш; ички ишлар органларининг мажбуриятларига, сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларни мажбурий тарзда даволашни суднинг ҳукми, ажрими ва қарори асосида амалга ошириши; гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка

чалинган, шунингдек психотроп моддаларни ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир қилувчи бошқа моддаларни истеъмол қиладиган; гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари, алюмин куқунлари ва курумларининг тегишли ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан қабул қилиниши ҳамда сақланиши, шунингдек уларнинг реализация қилиниши ёки йўқ қилиб ташланишини таъминлаш чораларини кўриши; гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари ёхуд муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган бошқа нарсалар бор деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлганда эса, фуқароларни шахсий кўрикдан ўтказишни, уларнинг ашёларини, кўл юқини, бағажини кўрикдан ўтказишни амалга ошириш ҳамда мазкур нарсалар, воситаларни ва моддаларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни олиб кўйиш.[5] Гиёҳванд моддаларининг ноқонуний айланмасига қарши курашда турли хил тадбирлар ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида” ги 2012 йил 7 ноябрьда қабул қилинган 344-сонли қонуни билан тизимли олиб боради. [6] Бунда 16 та банд фаолиятига тегишли бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар Жиноят Кодексининг XIX-бобидаги 270-276 моддаларда назарда тутилган. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи уларни Жиноят Кодекси моддаларида берилган тушунчаларига асосланади ва умуман қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади.



Кўкнор ёки таркибида гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган таъқиқланган ўсимликларни экиш, парваришлаб етиштириш (ЖК 270-м.) ҳолларида экин майдони ва бу қилмиш билан шуғулланган шахснинг кимлиги, у ўзи истеъмом қилиш ёхуд бошқаларга ўтказиш ниятида эканлиги аниқланиши керак. Экин майдони 250 квадрат метрдан кўп бўлса, ўртача 1000 квадрат метрдан ошса катта майдон ҳисобланиб, жазо чораси тегишлича кучайтирилади. Амалиётда бундай ҳаракат катта миқдорда даромад олиш учун содир этилса ҳам гуё экинларни кексайган шахс ўзи учун парвариш этгани ҳақида ёлғон тушунтириш беришлар кўплаб учрайди. Экинларни агроном-селекционер, химиклар ёрдамида экспертиза қилиниши керак бўлади.

Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 271-м.) Уларни қўлга киритиш усули қонунга хилоф эканлиги, чунончи ўғирлик, фирибгарлик, талончилик, босқинчилик тарзида бўлганлиги, шахс илгари ҳам бундай қилмиш билан шуғулланган, тамагирчилик, ўз мансабини суиистеъмом этган, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан, кўп миқдорда, уюшган гуруҳ таркибида тажовуз қилган, хатто хавфли рецидивист экани албатта синчковлик билан аниқланиши керак. Шунингдек гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар қайси жойдан қонунсиз эгалланган ва уларни кимлар орқали сотиш, тарқатишга мўлжалланганига алоҳида эътибор берилиши керак бўлади. Гиёхванд воситалари ва психотроп моддаларни контрабанда қилиш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган (ЖК 246-м.)

Гиёхвандлик моддалари ёки психотроп моддаларни бошқаларга ўтказиш ва шу

мақсадда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш каби ҳаракатлар (ЖК 273-м.) мазкур жиноятларнинг энг жиддий тури ҳисобланади. Жиноятнинг предмети бўлган гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдори кўп бўлмаса, озгинадан кўпроқ ёхуд кўп бўлса, жазо меъёри ҳам кескин ўзгаради. Шу боис жиноят предметининг нимадан иборат экани ва қанча эканлиги албатта экспертиза йўли билан исботланиши шарт. Тергов жараёнида айбланувчининг шахси, айниқса илгари ҳам шундай жиноятлар учун маҳкум этилгани, унинг уюшган гуруҳ аъзоси эканлиги аниқланиши зарур. Жиноятни ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар ўқув, спорт ёки турли жамоат тадбирларини ўтказётган жойларда, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жазоси ўталадиган жойда содир этилиши айниқса хавфли ҳисобланади. Бу хил жиноятларда гиёхвандлик воситаларнинг манбалари ва уларни олган, сотган, истеъмом қилганлар доирасини тўла аниқлаш жуда зарур. Агар бундай шахсларда сотиш, даромад олиш мақсади аниқланмаса, улар фақат гиёхвандлик воситаларини ўзи истеъмом қилгани ёки бошқа мақсадларда тайёрлагани, сақлагани учун жавобгарликка тортилади (ЖК 276-м.). Бошқаларни гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни бепул истеъмом қилишга алдаб чорлаш, ўргатиш, далолат қилиш, мажбурлаш ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади (ЖК 274-м.). Вояга етмаган шахсни гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмом этишга жалб қилиш учун жиддий жазолар белгиланган (ЖК 127-м. 2 ва 3-қисми). Бу қилмишни бангихоналар очиш тарзида содир этиш оғир жиноят ҳисобланади (ЖК 273-м., 4-қисми). Жиноят таркибига баҳо беришда яна бир ҳолатни эътиборга олиш лозим: кўп бўлмаган



миқдордаги гиёҳвандлик воситаларни ёки психотроп моддаларни бошқаларга ўтказиш мақсадида ёхуд бундай мақсадсиз қонунга хилоф равишда тайёрлаган, сотиб олган, сақлаган, ташиган ёки жўнатган шахс ўз ихтиёри билан айбига иқроор бўлиб, ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади (ЖК 273-м. 6-қисми ва 276-м. 3-қисми).

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузиш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган (ЖК 275-м.) Бу қоидалар «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида» 1999 йил 19 августдаги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосланган. Жумладан, унга кўра гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар фақат давлат эҳтиёжлари учун, буюртмага мувофиқ махсус лицензияга эга бўлган муассаса, корхона, ташкилот томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин. Уларни тайёрлаш, аниқлаш, фойдаланиш, бошқаларга бериш, ташиш, жўнатиш каби ҳаракатлар қатъий тартибга солинган. Уларга риюя қилмасликнинг нимада ифодалангани, сабаби, оқибатлари иш бўйича батафсил аниқланмоғи лозим. [7] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда қуйидаги моддалар белгиланган. Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш олиш сақлаш ташиш жунатишга ҳаракат уларни мусодара қилиб базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлади .

165¹⁻ модда. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шунингдек дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади дейилган. [8] Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги, қўриқлаш ва ёнғиндан дарак берувчи сигнализация воситалари ҳамда видеокузатув тизимлари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом тасдиқланган. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сон “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган хона ва объектларнинг



техник мустаҳкамлигини, кўриқлаш ва ёнғиндан дарак берувчи сигнализация воситалари ҳамда видеокузатув тизимларининг ҳолатини назорат қилиш тартибини белгилайди. [9] Соғлиқни сақлаш вазирлиги гиёҳванд воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорларининг муомаласини тартибга солишда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сонли қарорига асосан “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларининг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида” ги низомга асосан амалга оширади. Лицензияловчи органда лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, уларнинг муддатларини узайтириш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун эксперт комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссияси тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш давлат комиссияси билан келишган ҳолда лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади. Эксперт комиссияси таркибига мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборат-таҳлил маркази вакили киритилади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан ички ишлар, Давлат хавфсизлик хизмати ва божхона органларининг экспертиза ва тезкор-қидирув фаолиятида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасалари фаолиятида фойдаланиш лицензиясиз амалга оширилади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг бир неча турини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганда лицензияда ушбу фаолиятнинг ҳар қайси тури кўрсатилиши керак. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензияни ёки лицензия бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади. [10] Соғлиқни сақлаш вазирлиги наркологик касалликлар ва уларни даволашни Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябр 644-сонли “Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида” ги қонуни билан амалга оширади. Мажбурий даволаш наркологик касалликларга чалинган, атрофдагиларнинг хавфсизлиги ва соғлигига таҳдид солаётган ёхуд жамоат тартибини бузаётган, психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун бир йил ичида бир мартадан ортиқ маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан суднинг қарори асосида қўлланилади.

Мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш, ҳудудий ички ишлар органининг бошлии томонидан Ички ишлар вазирлиги тасдиқлаган шаклда чиқарилади ва ҳуқуқбузарга эълон қилиниб, огоҳлантиришнинг кўчирма нусхаси топширилади ҳамда бу ҳақида баённома тузилади; Шахсни мажбурий даволашга мухтож деб топиш, ҳудудий наркология диспансерлари таркибида тузиладиган наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган тиббий



комиссияларнинг тиббий хулосаси асосида амалга оширилади; Мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар наркологиya муассасалари, касалликка чалинган шахснинг оила аъзолари ёки қариндошларининг илтимосномалари асосида ички ишлар томонидан тайёрланади; Шахсни мажбурий даволашга юбориш қарор унинг яшаш жойидаги ёки наркологиya муассасаси жойлашган ердаги суд томонидан ушбу шахс ҳозирлигида қабул қилинади. Қарор ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради ва дарҳол ижро этилади. Қарор устидан 72 соат ичида апелляция тартибида шикоят қилиш мумкин. Мажбурий даволашнинг давомийлиги наркологиya муассасасининг тиббий комиссияси томонидан белгиланади ва 18 ойдан кўп бўлиши мумкин эмас. [11] Гиёҳвандликка қарши курашишда алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган транзит йўлларнинг назоратини янада кучайтириш, тизимли модернизация қилиш замон талаби эканлигини ёддан чиқармаслик зарур. Маҳсулотни кириб келиши чиқиб кетишини табиийки божхона текширувидан ўтади. Бунда Божхона кодексида белгиланган моддалар билан тартибга солинади. Масалан Божхона кодексининг 195-моддаси божхона кўригига бағишланган. Гиёҳвандлик воситалари, прекурсорлар, психотроп, моддалар бошқа шунга ўхшаш товарлар эканлигининг белгилари мавжуд бўлса, божхона органи божхона мақсадлари учун товарнинг амалдаги миқдорини мустақил равишда аниқлайди. 407-модда. Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни назорат остида етказиб бериш.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар халқаро ноқонуний муомалада бўлишининг олдини олиш ҳамда бундай муомалада иштирок этаётган шахсларни аниқлаш мақсадида божхона органлари ҳар бир алоҳида ҳолда чет давлатнинг божхона органлари ва бошқа ваколатли органлари билан келишувларга кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида назорат остида етказиб бериш усулидан фойдаланади, яъни ноқонуний муомалага киритилган гиёҳвандлик воситаларининг, психотроп моддаларнинг ва прекурсорларнинг ўз назорати остида божхона ҳудудига олиб кирилишига, бу ҳудуддан олиб чиқилишига ёки транзит тарзида олиб ўтилишига йўл қўяди.

Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни етказиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Ўзбекистон Республикасида жиноят иши қўзғатилмайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қабул қилинган қарор тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини дарҳол хабардор қилади. 408-модда. Назорат остида етказиб бериш амалга ошириладиганда божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни ва бошқа ашёларни олиб қўйиш ёки алмаштириш Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган, эркин реализация қилиш тақиқланган ёки муомаласига қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензия ёки рухсатнома асосида йўл қўйиладиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар назорат остида етказиб бериладиганда бу товарлар Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси томонидан белгиланган



тартибда тўлиқ ёки қисман олиб қўйилиши ёки алмаштирилиши мумкин. Одамларнинг соғлиғига, катта хавф туғдирадиган гиёҳванд моддалари айланмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда алмаштирилиши керак. [12] Юқоридагиларга қўшимча сифатида айтишимиз мумкинки белгиланган маълум миқдорда аниқланган гиёҳванд моддалари тегишлича текширувлардан кейин ваколатли органга ўтади. Давлат хавфсизлик хизмати томонидан ҳам

гиёҳванд моддалари ноқонуний айланмасига назорат белгиланган. Давлат хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги қонунга мувофиқ 5-модда. Давлат хавфсизлик хизмати ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий йўналишларига гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш киради. [13] Бунда чегара қўшинларида божхонада ушлаб қолинган гиёҳванд моддалари давлат хавфсизлик хизмати томонидан тергов ишлари амалга оширилади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Lex. uz Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” ги 1999 йил 19 август 813-сонли қонуни
2. Гиёҳванд воситалари ҳақидаги халқаро конвенция 1961 йил
3. Психотроп моддалар ҳақидаги халқаро конвенция 1971 йил
4. Гиёҳванд воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний айирбошлашга қарши кураш ҳақидаги Бирлашган миллатлар ташкилоти конвенциялари 1988 йил
5. Lex. uz Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар органлари тўғрисидаги 2016.16.09. қабул қилинган 407-сонли қонуни
6. Lex. uz Ўзбекистон Республикасининг Тезкор кидирув фаолияти тўғрисидаги 2012 йил 7 ноябрда қабул қилинган 344-сонли қонуни
7. Lex. uz Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси
8. Lex. uz Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси
9. Lex. uz Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2009 йил 4 октябрдаги 75-сонли буйруғи
10. Lex. uz Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сонли қарорига асосан “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларининг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида” ги низоми
11. Lex. uz Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябр 644-сонли “Сурункали алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида” ги қонуни
12. Lex. uz Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 20.01.2016
13. Lex. uz Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги 2018.05.05 қабул қилинган 471-сонли қонуни